

33 (585)-сон

— 65 —

445-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

445 Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланиши тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1743-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикалар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 355-сон «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 589-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги қарор қиласидилар:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3191, 16, 133, 9, 207, 18-сон қарори (рўйхат рақами 1743, 2007 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 492-модда) билан тасдиқланган Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланиши тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

445-модда

— 66 —

33 (585)-сон

2. Мазкур карор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Алоқа, ахборотлаштириш ва
телеқоммуникация технологиялари
давлат қўмитаси раиси**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
42-мҳ-сон

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
10-сон

**Миллий хавфсизлик
хизмати раиси**

Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
61-сон

**Фавқулодда
вазиятлар вазири**

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
7-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 26 июль,
24-сон

Ўзбекистон Республикаси
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуника-
ция технологиялари давлат қўмитаси,
Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик
хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги,
Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил
26 июлдаги 42-мҳ, 10, 61, 7, 24-сон қарорига
ИЛОВА

**Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва
воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишини
тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-баннадаги «телекоммуникациялар» деган сўз «алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 3-банндан «Қуролли кучлар Бирлашган штаби,» ва «, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хукумат алоқа хизмати» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«9. Телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишини тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат қўмитаси деб юритилади) томонидан тегишли маҳсус истеъмолчининг асосланган таклифларига биноан маҳсус истеъмолчилар билан ўзаро ҳамкорликда қабул қилинади. Ушбу таклифлар Давлат қўмитасига телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда етказилади ҳамда зудлик билан кўриб чиқилади.».
4. 12-баннадаги «Агентлик» деган сўз «Давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
5. 13-баннадаги «Агентлик» деган сўз «Давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.